
15 Ёшли Шаҳина Йигиталиева — Паралимпия ўйинлари кумуш медали соҳиби

Пара енгил атлетика бўйича аёллар ўртасида F46 классида найза улоқтириш дастурида финал баҳси яқунланди.

Ушбу йўналишда Шаҳина Йигиталиева 43.12 метр натижа билан делегация ҳисобига навбатдаги кумуш медални тақдим этди.

Қайд этиш лозимки, Шаҳина Йигиталиева Ўзбекистон делегацияси таркибидаги энг ёш спортчи ҳисобланади. Истеъдодли пара атлет 2008 йил 16 октябрда Фарғона вилоятида таваллуд топган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-09-07 08:55:55